



КОРХОНАЛАРДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА МОЛИЯВИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАР ҲИСОБИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИГА ЭРИШИШ

Умурзаков Жамолиддин Шербекович, PhD

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси,

e-mail: jamoliddin.umurzakov@gmail.com

ORCID: 0000-0002-7662-4210

ACHIEVING INVESTMENT EFFICIENCY DUE TO STRUCTURAL CHANGES AND FINANCIAL TRANSFORMATIONS IN ENTERPRISES

Umurzakov Jamoliddin, PhD

Independent researcher of Tashkent State University of Economics,

e-mail: jamoliddin.umurzakov@gmail.com

ORCID: 0000-0002-7662-4210

JEL Classification: G24 G32

Аннотация. Энергетика соҳасида рўй берадиган таркибий ва бошқарув жараёнларини баҳолаши, асосий ташкилий ва тизимли муаммоларни аниқлашига уринишлар, мамлакат энергетика тизимини ривожлантиришининг узоқ муддатли концепцияси устида ишилаши, ижобий тажриба ва йўл қўйилган хатоларни холис баҳолаши натижасида соҳани тубдан ислоҳ қилишининг мақсадга мувофиқлиги баҳоланади [2].

Структуравий ўзгаришилар тузилмавий мақсадлар, тамойиллар ва вазифаларни шакллантириши ва асослашдан бошланади. Ушибу тамойиллар ва қоидалар тўплами корхонанинг таркибий ўзгаришилари йўналишиларини ифодалайди.

Таркибий ўзгаришиларнинг мақсади ташкилотнинг бўлинмалари (шу жумладан бошқарув органлари) ва улар ўртасидаги алоқаларни компания томонидан бажариладиган барча функцияларни энг самарали бажарии учун шакллантиришидир [5]. Ўзбекистон Республикасида давлат корхоналарини ўзгартиришини (трансформация қилишини) жадаллаштириши, хусусийлаштириши, шунингдек, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартиши таркибий ўзгаришиларнинг устувор йўналишилари ҳисобланади [3].

Abstract. The expediency of fundamental reform of the sector will be evaluated as a result of evaluating the structural and management processes taking place in the energy sector; attempts to identify the main organizational and systemic problems, working on the long-term concept of the development of the country's energy system, positive experience and impartial assessment of the mistakes made.

Structural changes begin with the formulation and justification of structural goals, principles and tasks. This set of principles and rules represents the direction of structural changes of the enterprise. The purpose of structural changes is to form organizational units (including management bodies) and relationships between them for the most effective performance of all functions performed by the company.

In the Republic of Uzbekistan, acceleration of change (transformation) of state-owned enterprises, privatization, as well as reduction of the state's participation in the economy are the priority directions of structural changes.

Калим сўзлар: Энергетика, нефть-газ саноати, "Ўзбекнефтгаз" АЖ, таркибий ўзгаришилар, трансформация, консультантлар, самарадорлик, инвестициялар.

Key words: Energy, oil and gas

industry, Uzbekneftgaz JSC, structural changes, transformation, consultants, efficiency, investments.

Кириш: Иқтисодиётнинг асосий тармоқларини таркибий ўзгариши ва уларни диверсификациялаш иқтисодий ўсишга эришишнинг энг самарали усувларидан бири саналади.

Соҳага жалб этилаётган инвестицияларни тармоқларнинг иқтисодий потенциалига қараб тақсимлаш ва янги тармоқларни ривожлантиришга йўналтириш эса сармоялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, пировардида иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади [2].

Мамлакатда иқтисодий ўсишнинг таъминланиши аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашдан ташқари, миллий валюта қадри ошишида, ташқи қарздорлик камайишида ва инфляция даражаси пасайишида мухим аҳамият касб этади [8].

Сўнгги йилларда иқтисодиётда юз берадиган таркибий ўзгаришлар, худудларни комплекс ривожлантириш, маҳаллий саноат ва кластерлар фаолиятини ривожлантириш, тармоқлардаги трансформация жараёнлари иқтисодиётнинг жадал ривожланиши етарли энергия таъминоти билан чамчарбас боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда.

Келгуси 10-15 йил давомида иқтисодий ўсишнинг юкори суръатларини йилига камида 7-8 фоизни ташкил этиш муаммосини ҳал этиш нафақат мамлакат иқтисодиётини энергия ресурслари билан таъминлайдиган нефт-газ секторининг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган жиддий саъй-ҳаракатларсиз мумкин эмас [5].

2017-2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган кенг қамровли ва кўп қиррали ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу жараён доирасида тадқиқот обьекти “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти билан қатор йирик ташкилий-иктисодий

ўзгаришларни амалга ошириши кераклиги белгиланган бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади: операцион самарадорликни ошириш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва молиявий ҳолатни яхшилаш.

2018 йил ноябрь ойида “Ўзбекнефтгаз” АЖ Осиё тараққиёт банки (ОТБ) техник кўмагида компанияни ислоҳ қилиш ва таркибий ўзгаришиш бўйича корпоратив трансформация режасини тайёрлади. “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг ташкилий тузилмаси уни нефть-газ саноатида қўлланилаётган илфор тажрибаларга мослаштириш мақсадида қайта кўриб чиқилди.

Материал ва метод: Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноат корхоналарининг трансформация жараёнлари, давлат улушкини босқичмабосқич камайтириб боришнинг аҳамияти масалалари бир қатор хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларида ёритилган.

Жумладан, хорижлик олимлардан Ж.Шумпетер, Р.М.Солоу, Д.Вентцель, Л.Арцишевский, Б.Райзберг, О.Ю.Красильниковлар, маҳаллий олимлардан О.Астанакулов, С.Элмирзаев, Ш.Жалилов, Н.Жумаев, И.А.Бакиевалар бу мавзуда тадқиқотлар олиб боришган.

Натижалар: Кузатишлар шуни кўрсатадики, “Ўзбекнефтгаз” АЖни таркибий ўзгаришишнинг биринчи босқичи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон қарорига мувофиқ, ОТБ томонидан ишлаб чиқилган тақлифлар асосида қўйидаги ишлар амалга оширилган [1]:

1.“Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқарув тизимидағи кераксиз оралиқ бўғинлар бирлаштириб, тутатилган бўлинмаларнинг вазифалари ижро аппарати тузилмасида тегишли бўлинмаларни шакллантириш ва вазифалари бажарилишини таъминлаш йўли билан қисқартирилди;

2.Халқаро нефть ва газ компанияларидаги амалиётга мувофиқ Компаниянинг қиймат занжирларини

тўлиқ акс эттирувчи марказий оғис ташкил этилиб, “Ўзтрансгаз” АЖ “Ўзбекнефтгаз” АЖ таркибидан чиқарилиди;

3.“Ўзбекнефтгаз” АЖ ва унинг таркибига кирувчи корхоналарнинг асосий бўлмаган активларини сотиш бўйича чора-тадбирлар тезлаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон қарорига мувофиқ “Ўзбекнефтгаз” АЖ бир қатор вазифаларни амалга ошириш юкланган йирик давлат корхоналари ва хўжалик бирлашмалари рўйхатига киритилди, жумладан:

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (MXCC) асосида молиявий ҳисоботларни тайёрлаш;

халқаро кредит рейтингларини олиш;

молиявий соғломлаштириш, фаолият самарадорлигини ошириш, шунингдек, ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиши;

харидлар ва бошқарув тизимларининг аудитини ўз ичига олган корпоратив бошқарувнинг замонавий тизимини жорий этиш, шунингдек, “комплаенс тизими” (комплаенс) ва коррупцияга қарши хизматларни яратиш;

малакали халқаро мутахассислар билан таъминлаш ва х.к.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш ва ОТБ ва “Бостон Консалтинг Груп” халқаро консалтинг компанияси тавсияларини инобатга олган ҳолда ўзгаришларни амалга оширишни тизимли равишда мувофиқлаштириш учун 2020 йилда компания тузилмаси таркибида Трансформация ва операцион самарадорлик департаменти ташкил этилди.

Ўтган давр мобайнида мазкур тузилма назорати остида етакчи консалтинг фирмаларини жалб қилган ҳолда бир қатор ишлар амалга оширилди, жумладан жараёнлар ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, энергия сарфини камайтириш, товар-

моддий бойликлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ишончлиликини оширишга қаратилган янги ёндашувлар ва турли илғор ташабbusлар ишлаб чиқилди. Ҳозирда профессионал маслаҳатчилар, банклар ва аудиторлар билан ҳамкорликда “Ўзбекнефтгаз” АЖ ўзгариши бўйича ишлар давом этмоқда.

“Рақамли кон” концепцияси асосида углеводород конларини 3D усулида моделлаштириш, мавжуд геологик-техник маълумотларни рақамлаштириш ва ягона маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда доимий юритиш учун моделлаштириш маркази ташкил қилинди [6].

Табиий газ қазиб чиқариш тизимини рақамлаштириш – “E-kon” лойиҳасини амалиётга татбиқ этиш орқали конлардаги ер усти тизимлари рақамлаштирилиб, ер ости билан интеграция қилинмоқда. Ушбу лойиҳа орқали замонавий илғор технологияларни жалб қилган ҳолда углеводород конларидан табиий газ қазиб чиқариш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш ҳамда назорат тизимини буткул шаффоғлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра жамият тасаррӯфидаги 80 та газ йиғув жойига сарф ўлчов воситасини ўрнатиш имкониятини яратиш учун ҳар бирига газни дастлабки тайёрлаш қурилмасини (ГДТҚ) қуриш мақсадга мувофиқлиги аниқланиб, “E-kon” лойиҳаси учун дастурий таъминот ишлаб чиқилмоқда.

2019-2022 йилларда “Ernst & Young Advisory” (Буюк Британия) компанияси билан ҳамкорликда жамиятнинг нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармалари ва заводларида “Ишлаб чиқариш жараёнларининг операцион самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш” лойиҳаси амалга оширилди.

Лойиҳа 8 босқичдан иборат бўлиб, барча режадаги ишлар бажарилди. Жумладан ускуналар ишончлилиги ва имкониятларини ўрганиш ўтказилди (1-

босқич), техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш билан боғлиқ ҳозирги жараёнлар ҳолати тавсифланди (2-босқич), бизнес жараёнларининг кўзланган модели шакллантирилди (3-босқич), ижро аппарати ва ишлаб чиқариш объектларининг ходимлари ўқитилди (4-босқич), ускуналарни ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш стратегияси ишлаб чиқилди (5-босқич) ва ҳоказо.

Мунозара: Таркибий ўзгаришлар ва трансформация жараёнларини изчиллик билан амалга ошириш натижасида инвестициялар самарадорлигига эришиш масаласига доимий равища эътибор қаратиб келиниши мухим.

Жамиятда молиявий ҳисбот

1-жадвал. “Ўзбекнефтгаз” АЖни ҳалқаро фонд бозорларида бирламчи оммавий жойлаштиришга (IPO) лойик даражагача етказиш бўйича амалга оширилиши белгиланган тадбирлар

1.	Жамиятнинг IPO га тайёрганини баҳолаш ва уни IPO га лойик даражагача етказиш ишларини умумий мувофиқлаштириш	“Rothschild & Co.”
2.	Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот соҳасида IPO га тайёргикни баҳолаш	ҳалқаро аудитор “Ernst & Young”
3.	Комплекс хуқуқий экспертиза (due diligence) ўтказиш	юридик консультант – “White & Case”;
4.	Бизнес-стратегияни ишлаб чиқиш	“The Boston Consulting Group”;
5.	Корпоратив бошқарувнинг IPO га тайёрганини баҳолаш	“PricewaterhouseCoopers”;
6.	Барқарор ривожланиш (ESG)	“PricewaterhouseCoopers”;

Шу мақсадда ҳалқаро рейтинг агентлеклари “S&P Global Ratings” ва “Fitch Ratings” билан ҳамкорликда амалга оширилган тегишли чора-тадбирлар натижасида 2021 йил ҳалқаро рейтинг агентлеклари томонидан “Ўзбекнефтгаз” АЖ корпоратив кредит рейтинги “барқарор” прогнози билан “BB” даражасида баҳоланиб, бу рейтинг 2022 ва 2023 йилларда ҳам қайта тасдиқлади.

Аммо, 2023 йил 30 октябрга келиб “S&P Global Ratings” ҳалқаро рейтинг агентлиги “барқарор” прогнози билан “B+” даражасига пасайтирилди, 30 ноябрь куни эса жамиятнинг “барқарор”

юритишининг ҳалқаро стандартларини жорий қилиш, мустақил ташки аудит ўтказилишини таъминлаш мақсадида 2020 йил июнь ойида “Ўзбекнефтгаз” АЖ консолидациялашган молиявий ҳисботини МХҲСга мувофиқ тузиш бўйича ҳисоб сиёсати ва ягона счётлар режаси тасдиқланди [6].

Маълумки, трансформация жараёнлари ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида энг мухим масала - бу молиявий мажбуриятларни ўз вактида ва тўлиқ ҳажмда бажариш имкониятларини баҳолаш, ташки молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш ҳамда корпоратив кредит рейтингини олиш каби тадбирларни амалга оширишдир.

1-жадвал. “Ўзбекнефтгаз” АЖни ҳалқаро фонд бозорларида бирламчи оммавий жойлаштиришга (IPO) лойик даражагача етказиш бўйича амалга оширилиши белгиланган тадбирлар

прогнози “салбий” прогноз билан қайта баҳоланди.

Бундан ташқари тадқиқот обьектида трансформация жараёнларининг умумий яхлитгини таъминлаш мақсадида устав капиталида давлат улушини 51 фоиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаб қолган ҳолда, маҳаллий ва ҳалқаро фонд бозорларида акцияларни бирламчи ва иккиласми оммавий жойлаштириш орқали инвесторлар жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилаётганини кузатиш мумкин.

Жумладан, “Ўзбекнефтгаз” АЖни ҳалқаро фонд бозорларида бирламчи

оммавий жойлаштиришга (IPO) лойик даражагача етказиш мақсадида халқаро консалтинг компаниялар гурухи жалб қилинди. Жамиятнинг IPO га тайёрлигини баҳолаш ва уни IPO га лойик даражагача етказиш мақсад филиб олинди (1-жадвал).

Консультант тавсиясига мувофиқ, Молия вазирлиги ва Энергетика вазирликлари вакиллари ҳамда жамият раҳбар ҳодимларидан иборат лойиха бошқаруви гурухи тузилди.

Консультантлар тавсиясига кўра республикада углеводородлар нархи либераллаштирилганидан ва халқаро фонд бозорларидаги вазият барқарорлашганидан сўнг Жамият акциялари IPOсини амалга ошириш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлиги белгиланди.

Хулоса. Фикримизча, нефть-газ саноатида таркибий ўзгаришларини амалга ошириш орқали инвестицион фаолликни таъминлашда қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

қазиб оловчи тармоқларга нисбатан қайта ишловчи тармоқларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсишини таъминлаш, унинг маҳсулот турини, технологияни, ҳом ашё ва материалларни қайта ишлаш [7];

фундаментал ҳамда амалий тадқиқотларнинг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш ва илмий-техник ютуқларни ўзлаштириш;

миллий иқтисодиётда рақобат мұхитини шакллантириш, иқтисодий фаолият учун teng ва истиқболли шароитлар яратиш;

ички бозорда янги сегментларни ўзлаштириш ва экспортни қўллаб-кувватлаш йўналишида кредит ҳамда лизинг институтларидан фойдаланиш;

алоҳида технологияларни ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник назоратни жадаллаштириш ҳамда сифат ва маҳсулотни сертификатлаштириш замонавий тизимларини қўллаш ва такомиллаштириш;

юқори технологияли саноат

маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва атроф мухит ҳимоясини назорат қилиш.

Шу билан бирга, трансформация жараёнларини амалга ошириш орқали инвестиция фаолияти натижадорлигига эришиш мақсадида трансформациялаш лойиҳаларининг кейинги босқичаларида 1-расмда келтирилган тадбирларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Нефть-газ саноати корхоналари фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, соҳани ривожлантириш учун рақамли трансформация жараёнларини сифатли амалга ошириш асосий вазифадир. Мугахассисларнинг фикрига кўра, асосий муаммолар иқтисодий жараёнларни бошқариш самарадорлигининг пастлиги ва асосий воситаларнинг амортизацияси билан боғлиқ [4].

Айнан шу сабабдан ҳам мамлакатимизда нефть ва газ комплексида хомашё таннархи асосий фонdlар қийматининг катта қисмини ташкил қилади ва бунинг натижасида ишлаб чиқариш салоҳияти жаҳон даражасидан сезиларли даражада орқада қолмоқда [9]. Углеводород хомашёсини қайта ишлаш коэффициенти ҳам етакчи хорижий компанияларга нисбатан анча паст.

Юқоридаги таҳлиллардан кўрдикки, мазкур жараёнларни барқарорлаштириш йўналишида ягона ечим бу рақамли трансформация жараёнларини тез ва самарали амалга ошириш.

Шу нуқтаи-назардан тадқиқот обьекти бўлган “Ўзбекнефтгаз” АЖ мисолида 2024-2027 йилларда “Ўзбекнефтгаз” АЖда трансформация жараёнларини амалга оширишнинг 5 устувор йўналишлари - трансформация жараёнларининг натижадорлиги, унинг нефть-газ корхонасининг яхлит операцион фаолияти, шу жумладан инвестиция фаолиятини яхшилашга йўналтирилганлиги аҳамиятлидир.

1-расм. 2024-2027 йилларда “Ўзбекнефтгаз” АЖда трансформация жараёнларини муваффақиятли амалга оширишнинг 5 устувор йўналишлари

Углеводородларни қидириш ва қазиб олишни трансформациялаш лойиҳаларини якунлаш

- Лойиҳаларни ва уларни молиялаштириш хажмларини аниклаштириш
- Лойиҳалар хақида “тизер”лар тайёрлаш ва инвесторларга тақдим этиш
- Молиялаштириш хажмларини аниклаш

Углеводородларни қидириш ва қазиб олиш лойиҳалари учун молиялаштириш жалб қилиши

- Энг мақбул молиявий моделни ишлаб чиқиш
- Хукумат органлари билан модел кўрсаткичлари, хусусан нархни келишиш
- Жорий қарздорликлар ва янги лойиҳалар учун молиялаштиришни жалб этиш

Мақсадли операцион моделни белгилаб олиш

- Жорий ҳолатни таҳдил қилиш
- Мақсадли операцион моделни ишлаб чиқиш
- Операцион моделни кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаш

Автоматлаштириш учун энг мақбул рақамли платформани белгилаб олиш

- Ишчи гурӯҳ ташкил этиш
- Аниқ платформани белгилаш бўйича асосланган хисобот тайёрлаш (1С, SAP еки бошқа мукобил платформа)
- Платформани ишга тушириш

Жамиятнинг аҳамиятли функция ва вазифаларини мақсадли трансформациялаш

- МХХС, харидлар, инвестиция, бошқарув хисоби режалаштириш каби жараёнларин трансформациялаш ишларини якунлаш
- Режа жадвал ишлаб чиқиш
- Автоматлаштириш лойиҳаларини ишга тушириш

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4388-сон Қарори.
- А.В. Андрющенко. Цели, задачи и принципы структурных преобразований предприятий, Известия Алтайского государственного университета, УДК 658, 2002.
- Трансформация и приватизация госпредприятий: новый этап реформ. https://www.norma.uz/nashi_obzori/transformaciya_i_privatizaciya_gospredpriyatiy_novyy_eta_p_reform.
- Мирзамахмудов Ж., Рахматуллаев Х. и группа авторов. Совершенствование системы управления в нефтегазовом секторе. Аналитический доклад 2013/11. Центр экономических исследований (ЦЭИ) при содействии проектов ПРООН «Содействие модернизации, ускорению реформ и трансформации».
- Калигин А. Цифровая добыча. Стандарт. Деловой журнал об ИТ, связи и вещании в России и мире. 2016; 7/8 (162/163): 28-31.
- Умурзоков Ж.Ш., Бакиева И.А. Ўзбекистонда нефть газ саноати корхоналарини трансформациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш динамикаси. “Agro biznes



inform" иқтисодий-ижтимоий, илмий оммабоп журнали (1) 1 2022, ISSN 2010-9024, 44 б.

6. “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг расмий ахборот сайти www.ung.uz ахборот-статистик маълумотлари.

7. Schumpeter J. Business Cycles: A Theoretical, Historical and Statistical Analyses of the Capitalist Process. V 1.2 /New York, 1939.

8. Solow R.M. A Contribution to the Theory of Economical Growth // Quarterly Journal of Economy. - 1956. - V. 70, № 1.

9. Любимцева С. Структурная модернизация экономики // Экономист. - 2003. - № 2.